

материалларига бўлган талабни кўпроқ миқдорда импорт ҳисобидан қоплашга мажбур. Қурилиш корхоналарида маҳсулот сифатини назорат қилишга катта эътибор қаратилиши лозим, яъни қурилиш маҳсулоти сифатни кафолатлаш учун лабораторияларда кимёвий таҳлил ва тажрибалар ўтказиш ва бошқа тадқиқотларни амалга ошириш лозим. Ушбу тадқиқот, таҳлиллар эса маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига таъсир қилади ва бунинг оқибатида қурилиш маҳсулотларини бозорда сотилишини тезлаш-

тиради ва маҳаллий қурилишда ишлаб чиқарилаётган шубҳали сифатдаги қурилиш материалларини сотилишини олдини олади.

Ўзбекистонда қурилиш материаллари бозорини ривожлантириш ва муаммоларини бартараф этиш учун менежментни такомиллаштириш, бозор талабини ҳисобга олиш янги технология ва техникалардан, материаллардан фойдаланиш қурилиш соҳасидаги корхоналарнинг устивор йўналишлари бўлиши керак деган фикрдамиз.

*Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:*

1. Президент Ш.М.Мирзиёевнинг 2019-йил 20-февралдаги “Қурилиш материаллари саноатини тубдан такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4198 сонли қарори.
2. Президент Ш.М.Мирзиёевнинг 2019-йил 23-майдаги “Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4335-сонли қарорлари
3. Степанов И.С. Экономика строительства : Учебник . -3-е изд., доп. и перераб. -М.: Юрайт-Издат 2007. -620 с.
4. Николаев В.П. Введение в рыночную экономику строительства // Экономика строительства. - 1994. - № 4. - С.3-12.
5. Строительные материалы и изделия : учеб. пособие / В.С. Руднов [и др.] ; под общ. ред. доц., канд. техн. наук И.К. Доманской.— Екатеринбург : Изд-во Урал. ун-та, 2018. с – 3.
6. Строительное производство, материалы и изделия : курс лекций в схемах / Н. А. Устюшенко, Н. И. бакунович. – Минск : ГИУСТ БГУ, 2011. С – 37-38.
7. Строительные материалы. Краткий курс : учеб. пособие / / Н. А. Машкин, О. А. Игнатова; Новосиб. гос. архитектур.-строит. ун-т (Сибстрин). – 2-е изд., перераб. – Новосибирск : НГАСУ (Сибстрин), 2012. – С -11.
8. Е.П.Кияткина, С.В.Федорова “Экономика строительства” Учебное пособие. Самара: Самарский государственный архитектурно-строительный университет, 2011. С -71.
9. <https://xreferat.com/53/3769-1-ocenka-rynka-stroitel-nyh-uslug.html>
10. <https://e-cis.info/news/566/94024/>



**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ САНОАТИНИНГ РЕСПУБЛИКА САНОАТ ТАРМОҒИДАГИ ТУТГАН ЎРНИ, ВИЛОЯТ САНОАТИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ**

**Абдуллаев Ҳабибулло Асадулла ўғли -**  
Тошкент давлат иқтисодиёт  
университети таянч докторанти

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss1/a44](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss1/a44)

**Аннотация.** Ушбу мақолада Хоразм вилояти саноатининг Республика саноат тармоғидаги тутган ўрни, ишлаб чиқариш тармоқларининг ҳозирги ҳолати статистик маълумотлар ёрдамида таҳлил қилинган. Хусусан Республика бўйича ҳамда Хоразм вилояти саноат тармоқлари кесимида етакчи ва орқада қолаётган саноат тармоқлари ажратиб кўрсатилган.

**Калит сўзлар:** Республика саноат тармоқлари, қўшимча қиймат яратиш, саноат маҳсулотлари, ишлаб чиқариш саноати таркиби, саноат корхоналари, ишлаб чиқаришнинг технологик таркиби.

**РОЛЬ ПРОМЫШЛЕННОСТИ ХОРЕЗМСКОЙ ОБЛАСТИ В ПРОМЫШЛЕННОСТИ РЕСПУБЛИКИ, АНАЛИЗ СОВРЕМЕННОГО СОСТОЯНИЯ ПРОМЫШЛЕННОСТИ ОБЛАСТИ**

**Абдуллаев Ҳабибулло Асадулла ўғли -**  
докторант Ташкентского государственного  
экономического университета

**Аннотация.** В статье анализируется роль промышленности Хорезмской области в промышленном секторе республики, современное состояние производства с использованием статистических данных. В частности, выделены ведущие и отстающие отрасли в стране и Хорезмской области.

**Ключевые слова:** Республиканские промышленные отрасли, добавленная стоимость, промышленная продукция, структура обрабатывающей промышленности, промышленные предприятия, технологическая структура производства.

THE ROLE OF KHOREZM REGIONAL INDUSTRY IN THE REPUBLICAN INDUSTRY,  
ANALYSIS OF THE CURRENT STATE OF REGIONAL INDUSTRY

*Abdullayev Khabibullo Asadulla oglu -  
Basic doctoral student of Tashkent  
State University of Economics*

**Annotation.** The article analyzes the role of the industry of the Khorezm region in the industrial sector of the republic, the current state of production using statistical data. In particular, the leading and lagging industries in the country and the Khorezm region are highlighted.

**Key words:** Republican industrial sectors, value added, industrial products, structure of manufacturing industry, industrial enterprises, technological structure of production.

**Кириш.** Саноат ҳозирги кунда республикамиз иқтисодиётининг асосий тармоқларидан бири ҳисобланади. Бунга асосий сабаблардан бири, саноат бошқа соҳалар ва тармоқлардан қўшимча қиймат яратиш, аҳолининг эҳтиёжларини қондиришдаги ўрни ва юқори даражадаги ишлаб чиқариш ҳажми билан ажралиб туради. Саноат тармоқларининг ривожланиши миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига ва аҳоли иқтисодий фаровонлиги ошишига олиб келади. Буни юқорида кўриб чиққан режаларимизда Шаркий Осиё мамлакатлари мисолида таҳлил қилдик. Саноат тармоқларидаги барча қазиб олинган ва етиштирилган ресурсларни қайта ишлаш, улардан янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳисобига диверсификация жараёни яхшиланади.

Президентимиз Ш.Мирзиёев ҳам Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномасида саноат тармоқларини ривожлантириш ва улардаги ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш масаласи бугунги кундаги мамлакатимиз иқтисодиёти олдида турган долзарб вазифа эканлигига алоҳида тўхталиб, қўйидаги фикрларни таъкидлаб ўтди: "...иқтисодий ўсишга, аввало, рақобатдош саноат занжирларини яратиш ҳамда бундай лойиҳаларга инвестицияларни кўпайтириш орқали эришилади. Гарвард университети тадқиқотларига кўра, мамлакатимиз 50 дан ортиқни ишлаб чиқаришда барча имкониятларга ва нисбий устунликларга эга.

Айниқса, нефтгаз-кимё, металлургия, машинасозлик, электротехника, фармацевтика, қурилиш материаллари, тўқимачилик, чармпойабзал, озик-овқат ҳамда "яшил иқтисодиёт" билан боғлиқ саноат тармоқлари иқтисодиётимиз "драйверлари"га айланиши учун барча етарли шароитлар мавжуд"[1]. Бугунги кунда мамлакатимизда саноат ишлаб чиқаришининг барқарор ривожланиши нафақат республика, балки ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири сифатида қаралмоқда.

**Адабиётлар таҳлили.** Саноатни ривожлантиришнинг долзарблиги ва иқтисодиётни

такомиллаштиришда тутган ўрнининг ниҳоят даражада кенглиги билан доимий равишда тадқиқотчи олимларнинг диққат марказида бўлиб келган. Хусусан, мавзу юзасидан хорижлик олимлардан Жон Хикснинг фикрича "саноат ривожланиши ҳамда инқилобида хусусий мулк, самарали суд ҳокимиятини шакллантириш, савдо ривожланиши, ер савдоси эркин бўлиши, молия бозорларининг ривожланиши, илм-фаннинг ривожланиши каби иқтисодий ва ижтимоий омиллар муҳим ўрин эгаллаганлигини кўрсатиб ўтган[2]".

А.Е Муссон ва Е. Робинсонларнинг фикрича "Саноат инқилоби шунчаки илмий тайёргарликдан маҳрум бўлган саводсиз амалий ҳунармандларнинг маҳсули эмас эди. Буғ энергетикасини ривожлантиришда, кимё саноатининг ўсишида ва бошқа турли соҳаларда олимлар муҳим ҳисса қўшдилар ва илмий тайёргарлик кўрган саноатчилар ҳам ўзларининг ишлаб чиқариш жараёнларида амалий фандан фойдаланганлар[3]".

Маҳаллий олимлардан А.Артиков "Ўзбекистонда саноатни ривожлантиришнинг қатор имкониятлари, географик ва иқтисодий омилларига боғлиқ эканлигини таъкидлаб ўтган"[4].

М.П.Нарзиқулов "Саноатни ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш жараёнида асосий эътибор таркибий ўзгаришларга қаратилган бўлишлигига аҳамият қаратган"[5].

Э.Х.Махмудов "Саноат тармоқлари ривожланишига шароит яратишнинг стратегик йўналишлари биринчи навбатда бюджет, солиқ, пул кредит, нарх ва валюта сиёсати каби воситаларни қамраб олган қулай макроиқтисодий муҳитни яратишга боғлиқ эканлигини ёритиб берган"[6].

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқотда илмий билишнинг диалектик, мантиқий фикрлаш, илмий абстракция, таҳлил ва синтез, қиёсий таҳлил гуруҳлаш, эконометрик ва прогнозлаш усуллари қўлланилган.

**Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.** Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар туфайли миллий ва минтақавий саноат салоҳияти ошиб бормоқда. Хусу-

сан, охириги йилларда иқтисодиётнинг барча тармоқларида барқарор ўсиш суръатларига ҳукумат томонидан ҳудудларда қабул қилинган

тармоқ дастурлари ва қарорларида белгиланган параметрларни амалга ошириш ҳисобига эришилди (1-расм ).



1-расм. Республикада саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, ўтган йилга нисбатан фоизда [7]

Статистик маълумотларга кўра 2020-йилда Республика корхоналари томонидан 367,1 трлн. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан саноат ишлаб чиқаришининг физик ҳажм индекси 100,7 %ни ташкил этди. Саноат ишлаб чиқариши таркибида энг катта улуш ишлаб чиқарадиган саноат ҳиссасига тўғри келиб, унинг жами саноат ишлаб чиқаришидаги улуши (83,0 %)ни ташкил этди. Жами саноат ишлаб чиқариши физик ҳажми пасайишининг асосий омили бўлиб, тоғкон саноати ва очиқ конларни ишлаш саноатида - 21,9 %га ва сув билан таъ-

минлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилишда - 7,9 % га пасайиш кузатилди. Шунингдек, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноатнинг - 7,1 %га ҳамда электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашнинг - 12,5 % га ўсиши кузатилди.

Республикада ҳудудларидаги саноат ишлаб чиқариши ҳолатини аниқлаш учун бир қатор ҳудудий саноат кўрсаткичларини таҳлил қилиш зарур. Аввало, ҳудудларда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръати бўйича кўрсаткичларни таҳлил қилсак, қуйидаги ҳолатни кузатишимиз мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Ҳудудлар бўйича саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари [7] (ўтган йилга нисбатан фоизда)

	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020
Ўзбекистан Республикаси	106,5	107,8	109,5	108,3	107,9	106,2	108	116,6	105	100,7
Қорақалпоғистон Республикаси	110,4	104,8	109	110	124	166,3	111,1	106,2	105,1	104,1
Андижон	108,6	109,1	115,4	106,3	89,5	74,8	126,8	155,7	114,7	104,6
Бухоро	108,6	104,9	110,3	109,6	111,3	106,5	99,6	104,1	110,5	100,6
Жиззах	114	110	111,7	112,8	119,6	122,8	114,2	111,6	103,5	107,41
Қашқадарё	104,4	98,8	103,5	106,5	105,1	103,8	107,9	108,3	94	100,5
Навий	99,2	103,8	101,4	103,4	103,4	102,5	100,1	104,3	104,3	109,4
Наманган	114,8	110,9	111,1	113,1	114,4	113	114,7	113,8	110,4	115,8
Самарқанд	107,4	118,7	112,2	114	113,1	109,9	104,7	116,7	105,6	102,3
Сурхондарё	107,9	108,6	107,3	111,2	110	107,9	100,5	109,9	107,1	113,9
Сирдарё	111,7	109,7	102,9	106,4	108	113,3	94,2	104,2	103,2	101
Тошкент в	103,9	105,2	112,1	106,4	108,1	106,9	105,4	120,3	107,3	103,8
Фарғона	103,8	103,2	108,3	110,3	106,5	102,8	97,4	109,2	102,6	101,7
Хоразм	112,1	108,9	114	144,3	128,7	93,1	121,4	121,5	107,5	103,6
Тошкент ш	110,8	115,8	114,5	115,9	114,5	113,2	114,8	111,7	105,5	100,6

## SANOAT IQTISODIYOTI

Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, гарчи охирги ўн йил ичида мамлакатда саноат ишлаб чиқаришида барқарор ўсиш кузатилмаган бўлсада, ўртача ўсиш суръати 107,6 фоизни ташкил этган. Маълумотларни таҳлил қилиш орқали шуни кўриш мумкинки, саноат ишлаб чиқаришининг сўнгги ўн йил ичидаги ўсиш суръатларини ўртача нисбатда олсак, баъ-

зи ҳудудларда сезиларли даражада юқори, бошқаларида эса жуда паст. Аниқроғи, ушбу кўрсаткич бўйича ҳудудлар ўртасидаги фарқ жуда катта. Масалан, Андижон, Бухоро ва Наманган вилоятлари ўсиш кўрсаткичлари анча юқори, Фарғона, Жиззах ва Қашқадарё вилоятлари пастлигини кўрсатмоқда.

2-жадвал

### Республика ишлаб чиқариш саноати таркибида ҳудудларнинг улуши (2020 йил), % [7]

		Қорақалпоғистон	Андижон	Бухоро	Жиззах	Қашқадарё	Навоий	Наманган	Самарқанд	Сурхондарё	Сирдарё	Тошкент	Фарғона	Хоразм	Тошкент ш.
<b>Ишлаб чиқарадиган саноат</b>	<b>100,0</b>	<b>4,0</b>	<b>11,4</b>	<b>5,5</b>	<b>1,7</b>	<b>3,3</b>	<b>18,1</b>	<b>3,0</b>	<b>5,6</b>	<b>1,6</b>	<b>1,4</b>	<b>18,4</b>	<b>6,7</b>	<b>3,0</b>	<b>16,0</b>
Озиқ-овқат маҳсулотлари	100,0	4,6	6,5	6,4	2,6	7,3	4,0	5,3	11,6	3,0	3,4	13,3	9,1	3,5	17,1
Ичимликлар	100,0	2,0	0,4	1,3	0,2	1,7	0,2	5,7	2,6	0,6	0,8	33,7	0,9	4,4	45,4
Тамаки маҳсулотлари	100,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	89,9	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	10,1
Тўқимачилик	100,0	4,2	7,9	8,5	5,0	7,4	3,0	6,8	9,8	5,6	2,5	9,7	15,2	5,4	9,0
Кийим	100,0	1,4	19,7	5,5	3,2	4,9	7,7	14,1	5,8	2,9	2,2	14,5	7,6	0,7	10,0
Тери ва унга тегишли маҳсулотлар	100,0	0,2	34,6	0,5	0,2	3,1	2,6	11,6	12,1	0,1	5,1	4,0	17,1	0,3	8,5
Ёғоч ва пўкак буюмлар	100,0	3,8	1,2	2,2	2,1	0,4	3,1	2,2	1,3	3,5	5,7	11,9	24,2	0,9	37,4
Қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари	100,0	0,2	0,8	1,1	1,0	0,4	1,1	2,5	3,7	0,2	0,2	25,6	5,8	2,3	55,1
Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс еттириш	100,0	0,3	0,5	0,5	1,0	0,7	1,2	1,3	2,0	1,2	0,1	5,2	0,9	0,1	85,1
Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари	100,0	0,1	0,1	73,6	0,0	0,0	0,0	0,1	0,0	2,8	0,0	0,2	21,5	0,0	1,6
Кимё маҳсулотлари	100,0	34,8	2,5	1,1	0,1	14,0	10,2	1,0	0,8	0,1	0,2	15,7	10,1	0,2	9,0
Асосий фармацевтика маҳсулотлари	100,0	2,8	2,1	0,4	0,1	0,0	0,2	9,6	3,6	0,4	11,4	4,7	0,8	0,1	64,0
Резина ва пластмасса буюмлар	100,0	0,8	3,4	2,0	2,7	0,3	19,5	2,2	4,4	0,2	3,2	17,1	5,1	1,0	38,0
Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар	100,0	2,7	2,2	6,5	4,0	2,0	15,7	3,4	6,1	2,8	3,1	18,0	15,5	1,9	16,3
Металлургия саноати	100,0	0,0	0,1	0,1	0,2	0,1	55,9	0,1	1,1	0,0	0,1	36,0	0,2	0,0	6,1
Машина ва ускуналардна ташқари тайёрметалл буюмлар	100,0	0,5	7,8	3,6	0,8	0,9	3,6	4,7	3,5	2,8	0,9	11,8	5,0	2,4	51,5
Компютерлар, электрон ва оптик маҳсулотлар	100,0	4,2	0,0	0,1	6,1	0,4	6,0	0,2	0,9	0,0	0,0	28,2	1,1	0,0	52,8
Электр ускуналар	100,0	1,3	6,3	0,0	2,7	0,0	0,8	3,9	4,1	0,0	0,0	11,1	1,0	0,3	68,2
Бошқа тоифаларга киритилмаган машина ва ускуналар	100,0	0,1	10,3	0,3	0,1	0,2	1,7	1,6	0,7	0,0	2,3	10,4	0,8	3,0	68,4
Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар	100,0	0,0	69,1	0,0	0,0	0,0	1,0	0,1	7,7	0,0	0,0	7,3	1,2	12,1	1,5
Бошқа транспорт учқунлари	100,0	0,0	19,7	4,1	0,0	0,0	0,0	1,7	0,0	0,0	0,0	1,9	33,6	0,5	38,4
Мебел	100,0	3,3	8,9	5,1	6,3	5,5	2,5	6,0	6,5	3,8	2,7	9,3	7,4	1,9	30,8
Бошқа тайёр буюмлар	100,0	3,0	6,1	1,2	2,9	0,0	0,1	12,9	1,2	0,1	4,4	9,4	17,9	8,5	32,4
Машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш	100,0	0,5	0,3	5,2	3,2	1,3	1,8	1,1	1,2	5,4	0,5	6,4	1,9	1,0	70,2

Республика саноат ишлаб чиқариш ҳажми таркибида энг кўп улуш Тошкент шаҳри (Республика саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 16 %) ҳамда Навоий (18,1 %), Тошкент (18,4 %), Андижон (11,4 %) ва Фарғона (6,7 %) вилоятлари ҳиссасига тўғри келмоқда (2-жадвал). Энг паст кўрсаткич эса Сурхондарё (1,6 %) ҳамда Сирдарё (1,4 %) вилоятларига тўғри келмоқда.

Мақола объекти сифатида ўрганилаётган Хоразм вилояти ҳам саноат улуши жиҳатидан кам улушга (3 %) эга бўлган ҳудудлардан бири ҳисобланади. Хоразм вилоятида кўплаб тармоқлар жуда паст улушларга эга эканлигини кўришимиз мумкин. фақатгина Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқаришда Республика бўйича 12,1 % билан 2-ўринни эгаллаб турибди.



2-расм. Республикада фаолият кўрсатаятган ва янги ташкил этилган саноат корхоналари (2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра)[7]

Энди мамлакатимизда фаолият олиб бораётган ҳамда янги ташкил қилинган саноат корхоналари сони тўғрисидаги рақамларни кузатсак. Бугунги кунда республикада 85,5 мингта саноат корхоналари фаолият кўрсатмоқда, шундан 15,9 мингтаси (рўйхатдан ўтган корхоналар умумий сонининг 18,6 % и) Тошкент шаҳрига, 9,4 мингтаси (10,9 %) Фарғона вилоятига, 8,8 мингтаси (10,3 %) Тошкент вилоятига, 8,7 мингтаси (10,1 %) Андижон вилоятига, 7,3 мингтаси (8,5 %) Самарқанд вилоятига, 6,8 мингтаси (8,0 %) Наманган вилоятига тўғри келмоқда.

Кузатганимиздай Хоразм вилояти саноат тармоғи республикадаги етакчи саноат тармоқларидан бири ҳисобланмайди, бевосита мақола объекти сифатида ўрганилаётган Хоразм вилояти бўйича саноат ишлаб чиқариши кўрсаткичларини таҳлил қилсак, қуйидаги маълумотларни кузатишимиз мумкин. Дастлаб, Хоразм вилоятида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариши ҳажмининг ўсиш суръатлари бўйича кўрсаткичларни таҳлил қилсак, қуйидагича ҳолатни кўришимиз мумкин.



3-расм. Хоразм вилоятида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, ўтган йилга нисбатан фоизда[8]

Юқоридаги расм маълумотларидан кўриб турибдики, сўнгги ўн йилликда вилоятда саноат ишлаб чиқаришининг ўсиш кўрсаткич-

лари 2016 йилдан кейин юқори ўсиш суръатларига эга бўлган ва йиллик ўсиш кўрсаткичи 2 йил давомида 20% дан юқори бўлган. Сўнгги ўн

йилликдаги ўртача ўсиш кўрсаткичи 12,3% ни ташкил этган.

**Хулоса ва таклифлар.** Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, вилоят ҳудудлари бўйича саноат ишлаб чиқариши бўйича ўсиш кўрсаткичларида барқарорлик кузатилмаган, яъни бирор ҳудудда мунтазам равишда ижобий ўсиш кўрсаткичлари таъминланмаган. Жадвал маълумотлари асосида кузатишимиз мумкинки 2020-2021 йилларда бутун дунёда, мамлакатимизда бўлгани каби Хоразм вилоятига ҳам пандемия ўз таъсирини ўтказган. Таҳлил маълумотлари шундан далолат берадики, ўтган давр мобайнида саноатдаги таркибий ўзгаришлар натижасида соҳанинг минтақа иқтисодиётидаги улуши, маҳсулот ишлаб чиқариш салоҳияти сезиларли даражада ошди. Лекин ҳали минтақа саноати ривожланиши учун мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмапти.

Бу жараён қуйидаги омиллар билан боғлиқ:

- моддий хомашё ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини паст даражада эканлиги;
- саноат мажмуида киритилган инвестициялар тармоқ маҳсулотлари экспорти салмоғининг ошишига ҳисса қўша олмаётганлиги, асосан ички бозор учун маҳсулот етказиб бериш билан чекланиши;

- саноат корхоналарида мавжуд капиталнинг моддий ва маънавий жиҳатдан эскирганлиги, натижада маҳсулот яратишда таннархнинг юқори даражага чиқиб кетиши, сифат даражаси бўйича импорт маҳсулотлар сифати билан рақобатлаша олмаётганлиги, электр энергияси ва қўл меҳнатидан фойдаланиш қисқармаганлиги. Бу каби муаммолар саноатда таркибий инвестицион сиёсатни янада такомиллаш-

тириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқишни талаб этади. Шу билан бирга мамлакат саноати ривожланишини таъминловчи қуйидаги йўналишларни таклиф этамиз:

- корхоналарда инновацион салоҳиятни такомиллаштириш, илм ва юқори технология талаб қиладиган янги корхоналар ташкил этиш ва импорт маҳсулотлари билан рақобатлаша оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш;

- саноатда хусусий тармоқ ва кичик тадбиркорлик улушини ошириш;

- диверсификацион фаолиятни такомиллаштириш, ички захира ва мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланишни таъминлаш лозим бўлади.

Бугунги кунда Хоразм вилояти саноатини ривожлантиришнинг асосий омиллари қуйидагилар бўлиши кўзда тутилмоқда:

- қурилиш материаллари индустриясини ривожлантириш;

- саноатни ривожлантиришда банк кредитлари таъсирчанлигини ошириш;

- саноатни ривожлантиришда қўшма корхоналарнинг улушини ошириш;

- маҳаллий хомашёни қайта ишлаш;

- ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспорти кўламини кенгайтириш, кичик корхоналар маҳсулотларини экспортга йўналтиришга кўмаклашиш.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, амалга оширилган ва оширилаётган ислохотларнинг барчаси минтақанинг иқтисодий барқарорлигининг ошиши билан бирга, аҳоли турмуш фаровонлигига ҳам ижобий таъсир этиши кераклигини даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

*Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:*

1. *Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 29 декабрь.* <https://president.uz/uz/lists/view/4057>
2. *Hicks J. A Theory of Economic History. Oxford, 1969, pp. 145—166*
3. *A.E. Musson and E. Robinson, Science and Technology in the Industrial Revolution, Toronto: University of Toronto Press, 1969.*
4. *А.Ортиқов. Саноат иқтисоди. Дарслик. Т.: ТДИУ, 2009. 236 б.*
5. *Стратегия дальнейшего повышения конкурентоспособности национальной экономики: материалы 1У-го Форума экономистов / отв. ред. М.П. Нарзикулов. Ташкент, 2012. С. 8.*
6. *Э.Х. Махмудов, А. Ортиқов, Ф. Каримов. Корхона иқтисодиётнинг асосий бўғини. / Ҳамкор. 2010 йил 7 февраль.*
7. <https://www.stat.uz> - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий веб-сайти маълумотлари
8. <https://www.xorazmstat.uz> - Хоразм вилояти статистика бошқармаси расмий веб-сайти маълумотлари
9. *Мусахон Исаков, Дилобар Рўзиева. Ўзбекистон саноатидаги таркибий ўзгаришлар. Монография. - Т.: ТДИУ, 2019 й.,*
10. *Ҳудудларда саноатни ривожлантиришда ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш йўналишлари (Қашқадарё вилояти мисолида). Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси. -Т.: 2019 й.,*
11. <https://www.cnbc.com/2021/08/25/auto-industry-supply-chains-hit-hardest-during-covid-pandemic-survey.html>
12. *Identifying Important Regional Industries: A Quantitative Approach*
13. <https://lex.uz/ru>